



Бир файласуф мадраса олдидан ўтаётган эди. Ичкаридан Куръони Каримнинг мана бу оятлари эшитиларди: **«Сен: «Айтинг-чи, агар сувингиз ерга сингиб кетса, сизга ким осонгина топиладиган сувни келтиради?» деб айт» (Мулк сураси, 30-оят).**

Файласуф ўзича: «Бунинг нимаси ажабланарли. Ўзимиз ерни казиб, сувни чиқариб оламиз-ку?!» деб кўйди. Кеч кирди, файласуф уйкуга кетди. Тушида забардаст бир йигит каттик тарсаки тушириб, файласуфнинг икки кўзини кўр килди ва унга: «Эй бефахм! Агар гапинг рост бўлса, кўзингнинг тубидан бир ёруглик ва нур чиқариб кўр-чи!», деди. Файласуф уйғониб ўрнидан турганида унинг кўзлари хакикатан ҳам кўр бўлиб колган эди.

Кошки, Роббимизнинг сўзларидан шак-шубха килмаганида! Кошки, тавба килганда! Аммо файласуфнинг шаккоклиги туфайли калбидаги тавба йўли ёпилиб бўлган эди. «Аллохим, Сенинг лутф ва карамингга мухтожман», деб нафс истакларига мутеъликдан, гунохлардан тийилишга жидду жахд килайлик!

**Жалолиддин Румийнинг «Маснавий»сидан**

Туркчадан Абдуллох Рахимбоев таржимаси